

**Ургут туман ҳокими вазифасини бажарувчиси У.Уроковнинг
9 май Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган
байрам тадбиридаги**

ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум азиз ҳамюртлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Мухтарам отахону онахонлар!

Муқаддас Юртимиз қатори туманимиз шаъни ва обрўсини кўтариш учун машаққатли меҳнати синган Сиздек табаррук инсонлар билан юз кўришиб турганимиздан ғоят хурсандмиз. Барчангизни ва Сизлар орқали туманимиз аҳлини улуғ байрамлар, унутилмас кунлар қаторидан муносиб жой эгаллаган **Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан самимий қутлашга рухсат бергайсизлар.**

Юртимизда ушбу сана билан тақдири боғланмаган бирорта хонадон ёки оилани топиш мушкул. **Биргина иккинчи жаҳон урушида ярим миллиондан ортиқ Ўзбекистонлик йигит-қизлар халок бўлишди, шу жумладан олти минг нафардан зиёд ургутликлар ўз юртига қайтмадилар.** Ундан ҳам кўпроги майиб-мажруҳ, бўлиб ортга қайтди. Улардан туманимиз бўйича бор-йўғи 17 кишига бугунги кунда кексалик завқини суриш насиб қилиб турибди. Уларнинг ҳурмат ва иззатларини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам фарз ҳам қарзидир.

Маълумки, мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, улар мунтазам равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, кекса нуронийларимиз ҳам белгиланган имтиёزلардан барҳаманд бўлмоқдалар.

Ушбу шодиёнали кунда **уруш ва унинг инсоният бошига солган кулфатларини** эслаб ўтиш, ҳар биримизни Мухтарам юртбошимиз раҳномалигида мамлакатимизда ҳуқум сураётган бугунги тинчлик ва осойишталикдан мамнунлик, шуқуруналик туйғуси билан яшашга ўргатади.

Ўтганларнинг хайрли ишларини эсламоқ, қадрламоқ, **мўътабар отахон ва онахонларимиз дуосини** олиш, тинч, осойишта замоннинг қадрига етиш **кишига куч-қувват бағишлайди**, янгидан-янги марралар сари **чорлайди**.

Фаолиятимизда доимий равишда азиз ва муътабар фахрийларимизнинг қимматли насиҳатлари ва маслаҳатларига эҳтиёж

сезилмоқда. Буни теран ҳис қилган фахрийларимиз ёнимизда туриб, бизга камарбаста бўлаётган турли соҳаларда Ф.Азизов, Э.Набиев, М.Ўринова, Б.Бердиев, О.Хошимов, қишлоқ хўжалигида Улаш Пулатов, Зойир Зиёв, халқ таълимида Қ.Асқаов, тиббиётда Жаҳонгир Жаҳбаров, ободонлаштиришда Шавкат хожи Маҳмудов, Хошимхужа Махмадиёров, қурилишда Шухрат Алиев, Жониқул Неъматов ва бошқа кўплаб меҳант фахрийларининг ёрдамини алоҳида қайд қилиш ўринлидир.

Айниқса шу кунларда “Гавсулаъзам” зиёратгоҳи ва Туркул маҳалласидаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига узларининг хиссаларини кушаётган барча ургутликлар, қолаверса гусликлар, турткулликларга алоҳида миннатдорчилигимизни билдираман.

Қадрли оталар, муҳтарама оналар!

Фурсатдан фойдаланиб, том маънода инсон қадри ва хотирасини ўзида мужассам этган бугунги байрам билан барчангизни яна бор табриклар, **Сизларнинг хамиша сафимизда бўлиб, Юртимиз тинчлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, фарзандлар қамоли учун дуо қилиб юришларингизни истаймиз.**

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!